



**QARAQALPAQSTAN RESPUBLIKASÍ JASLAR SIYASATÍ HÁM SPORT MINISTRILIGI
BUYRÍGÍ**

18«iyul»2023 jil.

588-A/F-san

Nókis qalası

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 14 июльдаги “Спортнинг стол теннис тури бўйича Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари ўқувчилари ўртасида Республика турнирини ўтказиш тўғрисида”ги 03/924-A/F-сон буйруғи ижроси ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг 2023 йил учун республика календарь режасига мувофиқ ҳамда 2023 йил 14 июльдаги 03/924-A/F-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг 2023 йил 14 июльдаги 03/924-A/F-сон буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Спортнинг стол теннис тури бўйича Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказлари ўқувчилари ўртасида Республика турнири (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) 2023 йил 25-31 июль кунлари Навоий вилоятида ўтказилиши инobatга олинсин.

3. Мусобақада иштирок этадиган жамоа аъзоларини сафар харажатлари сафарга юборувчи ташкилот томонидан қоплансин.

4. Олимпия ва паралимпия спорт турларини ривожлантириш шўъбаси бошлиғи (**А.Темирбаев**), Ўзбекистон стол теннис федерацияси Қорақалпоғистон бўлими ижрочи директори (**М.Изимуратов**)лар билан биргаликда:

а) ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикасининг терма жамоаси иштирокини таъминлаш вазифаси юклатилсин;

б) мазкур буйруқнинг иловасига мувофиқ тегишлилиги бўйича ҳакамларни мусобақада иштирок этишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Ахборот хизмати (**А.Пиряров**)га:

мусобақанинг ўтказилиши билан боғлиқ жараёнларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишга тавсия этиш ҳамда вазирликнинг ижтимоий тармоқларга жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

6. Девонхона (**Б.Толыбаев**)га:

мазкур буйруқ билан Қорақалпоғистон Республикаси Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг тегишли бўлимларига ва вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасаларига юбориш вазифаси юклатилсин.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алланазаров